

## ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

Султон Асомов Саидолимович

Президент Агентлиги тизимидаги Хатирчи туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7162333>

**Аннотация.** 1989 йил 21- октябрда “ Давлат тили тўғрисида ”ги қонун қабул қилинди. Бу тарихий, қолаверса миллий ва маънавий жараён бўлиб, истиқлол сари қўйилган илк пойдевор эди.

**Калит сўзлар:** давлат тили, туркий тил, туркийлар, “ ши ”лар.

## ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ

**Аннотация.** 21 октября 1989 года был принят Закон «О государственном языке». Это был исторический, национальный и духовный процесс, и это был первый фундамент, заложенный на пути к независимости.

**Ключевые слова:** государственный язык, тюркский язык, турки, «ши».

## PROBLEMS OF THE HISTORY OF THE TURKIC LANGUAGES

**Abstract.** On October 21, 1989, the Law "On the State Language" was adopted. It was a historical, national and spiritual process, and it was the first foundation laid on the path to independence.

**Keywords:** state language, Turkic language, Turks, "shi".

## КИРИШ

Дарҳақиқат, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган экан, аввало туркий тилнинг тарихи тўғрисида мушоҳада қилишни лозим топдик. Бундан ўн бир йил мукаддам, ушбу сана муносабати билан туркий тил тарихига имкон қадар тўхталиб ўтган эдик. Бугунги либераллашаётган тарихимизда ушбу масалага кенгроқ урғу берамиз.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Яқин тарихдан маълумки, туркий тил ёки туркийлар тарихига бир ёқлама қаралди ёки унга имкон берилмади. Бу аввало совет тарихшунослигида сиёсий буюртма асосида сохталаштирилди. Туркийлар тарихига бўлган бундай негатив қараш Чор Россияси ҳуқумдорлари даврида ҳам юз берди. Ҳозирги таҳликали даврда Россиянинг баъзи шовинист доиралари ( В. Жириновский (марҳум), Никонов.... рус ерлари тўғрисида баҳс юритиб, қардош Қозоғистон ҳудудларига кўз олайтираётганлиги барчага аён. Шу нуқтаи назардан қаралганда, туркий тил тарихи ва фаолият юритган ҳудудлар сиёсий жиҳатдан нечоғли аҳамиятли эканлигини ҳис қилиш лозимдир. Совет тарихшунослигида бир неча йиллар давомида илдиз отган европацентризмга қарши, реал тарихимизни тиклаш орқали туркий тилнинг Евроосиё чўлларида фаолият доираси ниҳоятда чўкур ва географик жиҳатдан кенг эканлиги ўз тасдиғини топмоқда. Бундай улкан имкониятни бизга мустақиллик берди. Бугунги Россия Федерацияси ҳудудларида кўп сонли туркий тилли халқлар истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги ўз миллий автономиясига эга. Россиянинг баъзи шовинист доиралари фикридан келиб чиқиб;- рус халқи баъзи миллатларга ерлар совға қилди деган демагогиясига қарши, тарихий адолатни тиклаш вақти аллақачон пишиб етилди. Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинган кун муносабати билан туркий тил тарихини яратиш реал воқеъиликлар асосида алоҳида бир миллат тили эмас балки жадиличлик назарияси нуқта-и назаридан ёндашиб барча туркий

тиллар тарихини яхлит бир тил деб ҳисоблаб ўтмишга мурожаат қиламиз. Биз туркий тил тарихини яратишида кўхна хитой ёзма манбаларига мурожаат қиламиз. Тан (618-907) сулоласи даврида тарихий воқеаларни ёзиш давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Тарихни йилномачи “ши”лар ёзиб борган расмий сулолалар 24 та бўлганлиги учун сулолалар тарих “24 тарих” яъни “Эр си ши” номини олган. “24 тарих”нинг биринчи жилди Сима Цян қаламига мансуб “Тарихий хотиралар” бўлса, унинг охиригиси Мин сулоласи (1368-1644) тарихидан иборат. Хронология жиҳатдан ушбу 24 сулола тарихи 3,5 минг йилдан кўпроқ давр тарихини ўз ичига олади. Хитойшунос олим А. Хўжаевнинг таъкидлашича, ана шу тарихнинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври воқеаларини ўз ичига олган жилдларида бевосита Турон, Туркистон тарихига оид қимматли маълумотлар бор.

Сима Цяннинг “Тарихий хотиралари”га асосланиб ёзилган “Хитой тили катта иероглифлар лўғати”да шимолий Хитой “ся” ҳокимлигининг шимолий ғарбий чегараларида “ху” ёки “хулу” деб аталган чорвадор қабилалар яшайди дейилган. Худди шундай маълумот Си Юаннинг “Сўзлар этимологияси лўғати”да ҳам учрайди.

Хитойшунос олим А. Хўжаевнинг таъкидлашича қадимги хитой ёзма манбаларида “А” товуши “Т” товуши билан алмашиб, “динг-линг” атамаси (“Ху”ларнинг ғарбий қисмида “рунг” ва “ди”лар баъзи хитой ёзма манбаларида “динглинг” деб ёзилган. “Шя” (милавв 2205-1766 йй), “Шонг” (милав 1766-1122йй) ва “Чжоу” (милав 1122- 171 йй) кичик подшоликлари давридаги “Гуйфанглар” динглингларни ўзи эди деб ёзади Хитой тарихчиси Дуан Лянчин) тинглинг деб талаффуз қилинган. Кейинроқ “НГ” товуши тушуриб қолдирилиб, “Тинглинг” “теле” бўлиб кетган, “Т” товуши эса “ч” товуши билан алмашиб “теле”-“челе” ёки “чиле” деб талаффуз қилинган. Демак “ди, динг-линг, тинглинг, теле, челе, чиле қабилалари “Ху”нинг авлодларидир.

Милодий III-IV асрларда улар “туро”номи остида юритилган. “Теле” ва “Туро” аслида битта қабиланинг номи эмас, балки туркий тилли қабилаларнинг турли уруғидир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича хуннлар ҳокимияти емирилгач Аттила билан ғарбга кетмай, ўз жойларида қолиб кетган туркий қабилаларга “Туро” қабиласи бош бўлиб, улар таркибида 44 та қабила бўлган, уларнинг номи хитойдаги шимолий сулолалар тарихида келтирилади. (Кўхна Тан сулоласи тарихи 2- қисм, 199 боб, 15393 бет).

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шундай қилиб, юқоридаги номлари келтирилган қадимги Хитой ёзма манбалари кўра шимолий Хитой кичик подшоликларининг шимолий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий чегараларида (Ўрта Осиё Қозоғистон) милав III-II минг йилликларида “Ху”, “ди”, “хунн” номлари остида чорвадор қабилалар яшаган. Улар Хитой иероглифларида даврига қараб, турлича талаффуз этилган бўлсада, уларнинг туркий тили этносга тегишли эканлиги маълум бўлди.

С.В.Кисилёв милав XVIII – асрда Минусинск паст- текислиги ва Енисейгача ёйилган Андронова маданияти (Қозоғистон) ёдгорликларининг Сруб маданияти билан кўп жиҳатдан яқинлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Улар кенг тарқалган минтақалар куйи Волгадан то Монголиягача, жанубий-шарқий Уралдан то Ўрта Осиёгача чўзилган чўл минтақалари эди. (Грязнов М.П. Племена Сибири и Казахстана в эпохи бронзы. “Очерки истории СССР!” Москва 1966). Демак, қадимги хитой ёзма манбаларида тилга

олинган “ху”, “ди”, “Рунг”, “Гуйфуанг”, “Ту-фанг”, “Хунн” ва бошқа сахройилар қадимги туркий тилда сўзлашувчи Андронов маданияти соҳиблари бўлган. Олдинги даврларда “Веда” ва “Авесто” таҳлилларига кўра Андронов маданияти соҳибларини хинд европа тилларида гаплашган деган фикрда бўлишган.

У пайтларда буюк турк чўлининг чорвадорлари туркий тилли бўлганликларини тасдиқловчи ёзма манбалар йўқ эди. Қадимги Хитой ёзма манбаларининг Бичурин таржималарида Андронов маданияти соҳибларини туркий тилда сўзлашардилар деган ишоралар бўлсада собиқ совет давридаги тарихшунослиги давридаги “Европацентрик” қарашларининг жараёни бунга имкон бермай келди.

Хитойшунос олим А. Хўжаевнинг айтишича “Ху” ва “Хулу” туркийча “Хур” атамасининг хитойча талаффузидир “Хур” бир хил маънога эга бир ижтимоий табақага мансуб Этнос бўлагидир.

Илмий ва этнографик асарларда дашт кўчманчилари дастлаб “Варварлар” деб аталган “варварларнинг жанубга оккупацияси” каби иборалар қўлланган. Авесто илмий жиҳатдан ўрганила бошлангач ана шу “Варварлар” нинг жанубга миграцияси туфайли Эрон тоғ олди худудларида “Ариана” таркиб топгани маълум бўлиб, “Варвар атамас “Орий” терминига алмаштирилди. Орийларнинг тили масаласида ҳам ечимини кутаётган муаммолар бор. Чунки келиб чиқиши туркий бўлган Кушон ҳукмдорлари ўзларини Кир II ва Доро I сингари “Орий” (Канишка- Рабитак битиги) деб атаган. Атоқли академик А.Асқаров фикрича Урал тоғи қадимдан то сўнгги ўрта асрларгача славянлар билан туркий қабилаларининг худудий чегараси бўлган. Шунингдек туркий тилли қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келиши бронза даврига бориб тақалади. ( А, Асқаров “ Мустақиллик йилларида тарих археология ва этнология.” Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнаи. №6 Тошкент 1996 йил 71- бет) Хоразм тарихининг билимдони С.П. Толстов 1938-йил Амударёнинг оқчадарё ўзанида Тозабағёб канали яқинида янги маданият изларини ўрганди ва унга “Тозабағёб маданияти” деб ном берди .

Ушбу археологик маданият материалларини синчиклаб ўрганиб, “бу топилмалар туб жой аҳолисининг моддий маданиятига ўхшамайди, улар қандайдир янги этносга тегишли”, деган хулосага келади. Шу билан бирга, бу топилмаларни атроф мунтақалардан топилган ашёвий далиллар билан қиёсий ўрганиб, шу каби материаллар жанубий – шарқий Уралдан то Минусинск паст текислигининг ички қисмигача бўлган худудда учрашини таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки бир замонлар Урал тоғи ва унинг жанубий –шаркидан Азов денгизи томон оққан Урал ( Ёйик) дарёси қадимда ва ўрта асрларда славянлар ва туркий қабилаларнинг худудий чегараси бўлган. Бу тарихий ҳақиқатни рус тарихчилари яхши билади. Шунингдек Уралдан Шарққа ва жанубга рус саноатчилари ҳарбийлар ёрдамида секин –аста кириб борганликлари ва XVI-XVII- асрларда Сибир ҳам руслар томонидан ўзлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳаммага аён. Шунинг учун совға қилинган рус ералри ҳақидаги фикр демагогиядан бошқа нарса эмас. Хуллас С.П. Толстовнинг Тозабағёб маданияти қабилаларини этник жиҳатдан Қозоғистон чўллари ва жанубий Сибир томонларидан келганлигини эътироф этиши Тозабағёр маданияти аҳолиси туркийларга тегишли эканлиги ҳақидаги ғоянинг тўғилишга ҳамда қадимги Хитой ёзма манбалари асосида Андронов маданияти аҳолиси туркий тилда сўзлашган деган хулосани беради. Ривожланган ўрта асрлар даврига ғарбий қорахонийлар давлати

доирасида жонли эски ўзбек тилининг қарлуқ чигил лаҳжалари асосига ривожланишига сиёсий ва Этно маданий имкониятлар яратилди. Бу заминга қадимдан туркийларнинг анчагина қисми ўтроқлашиб улгурган турк, калтатай , қарлуқ, чигил, мухсиарғун, мусабозори, туркаш каби қабилалар суғдизабон аҳоли билан ёнма-ён яшаб келганлар. Ғарбий қорахонийлар давлати доирасида эски ўзбек тили билан бирга бошқа туркий лаҳжалар ҳам ажралиб чиқади. Шунинг учун, Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Хос ҳожиблар тили умум турк тили бўлса , Аҳмад Яссавий ва Аҳмад Югнакийлар тили эски ўзбек тилининг намуналари ҳисобланади . Темурийлар даврида туркий тил ривожланишда давом этди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айнан шу даврда туркий адабий тилининг олдинги асарларга нисбатан ривожланган тури шаклланди. Бу адабий тил, тилшуносликка доир адабиётларда “туркий”, “чиғатой”, ва “эски ўзбек тили” деб номланган. (Щербак А.М Грамматика старо ўзбекского языка , М-А 1962. страница 12-16 ).

Шаклланган эски ўзбек тили Алишер Навоий даврида энг нуқтага кўтарилди. (Бартольд В.В Двенадцать лекций по истории турецких народов средней Азии. Москва 1966. Страница 508.)

Қардош қозоқ халқининг атақли фарзанди Ўлжас Сулаймон “Туркийнома” асаридан бир парча кўлимга тушди. Асарни ўқиб қадимги “шу мерлар” тўғрисида илмий фаразлар кишини мушоҳада қилишга ундайди . Христиан тарихчилари “шу мерларни туркий тилли этнос сифатида тилга олади .

Олимлар “шу мерлар” ҳақидаги илк маълумотга оссурлар шоҳи Ашшурбаниполнинг миххат ёзувига дуч келишди. Фрот водийсидаги тадқиқотлар натижасида, оссур –бобил (вавилон) тарихидан ҳам қадимийроқ маданият ўчоғини кашф этишди.Сунгра у “шумер” маданияти номини олди. Шумерлар аслида ўзларини саг-саг , яъни қорабошлар деб аташган.

### МУҲОКАМА

Қадимда аксарият халқлар ўз тарихий номлари қолиб , бошқа номлар билан ном чиқаришган. Масалан дойчлар олмон , немис герман номлари билан машҳур, ханларни хитойлар хунлар, серлар дейиш одат бўлиб қолган; найри арман, суомилар –фин, можорлар –венгер, эронийлар форс номлари билан маълум.

Биз тадқиқ этаётган атаманинг бир қанча қуҳна сомиий тилига мансуб талаффузи мавжуд; Субер, Субер-т (Т-муаннас кўрсаткичи) ларни аккадликлар милоддан аввалги III- минг йилликда Шимолий Месопоталияга нисбатан кўллаганлар.

Ўша даврда милоддан аввалги III- минг йиллик , “Шумер- Субер” атамаса Оссурия атамасининг шоирона латиф маънодоши сифатида ишлатилган .Месопатамия Жанубида Субир ёки шубар кўчманчи қабилалари яшаганлиги тўғрисида маълумотлар сақланган. Оссурия солномачилари Шумер сўзининг иккинчи бўғинига урғу бериб талаффуз қилингани ҳақида ёзадилар. Тилшунослар “Шумер” сўзи келиб чиқиш жиҳатидан сом ёки саггиг тилларига мансуб эмаслигини тўла ишонч билан қайд этадилар.

“Кул Тегин” ( VII- VIII асрларда) ёдгорлигида шундай ибора бор . “ Турк едук йеру-сўбу, айнан: “ Муқаддас турк” “ Ери-суви”, мазмунан эса.- “Муқаддас турк мамлақати” нигоҳларим “ йер-сўб” бирикмаси устида юз марталаб тойилгандир. Унга ҳар сафар кўзим тушганида жисми жонини алланечук ҳузурбахш титроқ босади “- деб ёзади қозоқ адиби Улжас Сулаймон . Ниҳоят , кўшма отларнинг

ўрнини алмаштирганимда деб ёзади Ўлжас Сулаймон ташки томони ўзгарган, маъноси эса ўзгармас “Суб-йер” ҳосил бўлади. Кухна мамлакат бўлиш Субер номининг молекуласи шу зарралардан таркиб топмаганмикан? (мамлакатнинг “Ер-Сув”) ёки “Сув-Ер” шаклида номланиши ҳозир ҳам сақланиб қолган. Бу бирикмалар турклар яшаган кейинги манзиллар Сибир ва Муғулистонда маълум бўлганмикан деган қарашлар пайдо бўлишига олиб келади. Нух тўфони даврида ҳам сув босмаган кўш чўққи Субер (Сумбер,Суммер) тоғи ҳақида ҳикоя қилинади.

“Мўғул ривоятларига кўра даставвал сув бўлган ва ундан чиқиб турган кўшқоя Суммер - Ула тоғи бўлган”. Мўғулча “ Ула” – тоғ дегани (Потанин Г. Восточные мотивы в западном европейском Эпосе С П-б, 1899, стр 598)

Ўрдус мўғуллари тилида тоғлардан ўлкани – Сумбер , кулларнинг каттаси – Сум-далайсуд денгизи (Потанин Г ўша асар 648 бет) Нух тўфони ҳақидаги ривоят яъни оламни сув босиши Тавротдан олдин “ Гилгамеш” ( Билғомиш) достонида ҳам учрайди. Тўфон ҳақидаги ривоят икки дарё оралигида пайдо бўлиб , Таврот ёзилмасдан анча йиллар олдин осийёга тарқалган эди. Мўғулларнинг Сумбер тоғи , ёки тўфони воқеалар баёни славян халқи афсоналарида ҳам учрайди. (Потанин. Г ўша асар 203 бет) Мисолларнинг тасдиқлашича , тахминий “Суб-йер” (Сув-Ер) билан афсонавий кўшчўққили Субер тоғи ўртасида ташки ўхшашлик бор.

Кухна шумер хатида икки хил: “Кур” - тоғ, “Кир”- ер, мамлакат деб ўқиладиган ёзув белги бўлган. Кейинги миҳхатларда эса уша маъноларини англлатувчи учқадга айланиб кетган. Бу ўта муҳим белгини ўзлаштириб олган Бобилликлар фақат фонетик аҳамиятини сақлаган номлардан биттасинигина - “Кур” ни қолдиришади, у англлатган маънони эса “ Мату” – “Ер” , “шаду”- “тоғ” бобил сўзларини ўз зиммасига олади.

Қадимги турк ҳарф белгиси – йер-ер кўхна шумер белгисига боғланади. Шундай қилиб агар шумерлар (саг-гиг) ўз ёзув белгисини мамлакат маъносидаги курк (тоғ-ер) деб аташган бўлса, илк турклар унинг кўринишини ўзгартириб мамлакат маъносида “Суб-йер” деб атаган бўлиши керак дейилган фаразга бориш мумкин. Суб-йер-ботқоқликлар сув босган ерлар мамлақати!

Маҳаллий аҳоли шимолӣ- шарқий осийёга кириб кўчиб кетган илк туркларни шу ном билан (Суб-йер ёки Суб- йир) таниган бўлишлари керак . Уларнинг сағаналарини турк бўлмаганлар Субер (Субар) ларники деб аташган ва бу анъана руслар кўчиб келгунга қадар турғун қолган.

Тобольск губерниясида ( Россия) чуд мозорларини сивир халқига тегишли деб ҳисоблашган ; бу қадимги сивир одамлари хандақ қазиб , ичига тушишган ва томни тутиб турган тирговични кесиб ташлаб , ўзларини тупроқ билан кўмишган; Г.Паткановнинг фикрига кўра бу атама Сибир шаҳри номининг келиб чиқишига асос бўлди, чунки у ерда сивирланинг мозорлари кўп эди.(Г.Потанин ўша асар ,411-бет) . Ушбу муалифнинг таъкидлашича , Сибир шари номидан келиб чиқиб ҳозирги Россиянинг шарқий худудлари Сибир номи билан аталадиган бўлди.

Шумерлар тили тўғрисида хорижлик олимлар ҳам ўз қарашларини илгари сўради. Масалан тарихчи тилшунос В.И. Авдиев ўзининг “Қадимги шарқ тарихи” (История древнего востока ) асарида Шумер тили энг қадимги туркий тиллардан бири деб тилга олади. Ёки К.В. Кирем ўзининг “Худодлар қабртошлар таълимоти” асарида шумер тили қадимги туркий тил деб эътироф этади. Бироқ шумерлар тили масаласида бошқа

карашлар ҳам бор . АҚШ лик шумеролог Мигел Сивел 1994 йил шумер цивилизацияси билан боғлиқ “Дехқончилик инструкцияси” , яъни ўзида ерни қайта ишлаш ,ҳосилнинг сифатини тасаввур қилади. Мигел Сивел шумер миҳхатини ўқиб таржима қилади. Бу текстни мазмуни деҳқончилик билан боғлиқ “ Эқмоқ”, “ суғормоқ” ва “қачон суғормоқ” яъни шумер тилида “урра”. Бу фикрни тилшунос Армен Давтян давом эттириб классик армян тилида “вора” , “ура” ёки “уран” деб талаффуз қилади. А.Давтян фикрича 80% армян сўзларининг этимологияси пайдо бўлиши номаълум деб ҳисоблайди. А. Давтян фикрича икки мингта шумер ва армян тилидаги сўзларда боғлиқлик бор ёки ўхшаш. Бу фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки шумерлар армян тилида сўзлашган деган ғояни илгари суради. Бироқ туркий миллатга мансуб бўлмаган кўпгина тадқиқотчилар шумерларни туркий тилли этнос сифатида эътироф этадилар. Бундан ташқари Евроосиё цивилизациясида туркий тилли халқларнинг прогрессив таъсири тўғрисида ғарб ва рус тарихчилари (Профессор Вадим Захаров , Ужанков Александр, Андрей Шапавалов, Михайл Пиотровский, Владимир Петрухин ва бошқалар) Жуда кўплаб турли мавзуларда тахлилий тарихий материаллар бериб бордилар. Агар шумер тили ёхут шумер цивилизацияси билан боғлиқ тарихий ва лингвистик далиллар тўғрилиги исботланса , Нуҳ тўфони билан боғлиқ воқеалар баёни яна мутлоқ ҳақиқатга айланади. Чунки ҳазрат Довуднинг китоби Тавротда ёзилганидек, бир юз эллик кунлик сув тошқинидан сўнг Нуҳнинг ўғли Ёфас одамзотни тарқатиш учун шимол ва шарққа йўл олади. Энди биз муқаддас китобга юзланамиз . Тўфондан кейинги ҳолат. “ Нуҳнинг ўғиллари – Сом, Ҳом ва Ёфит (Ёфас)нинг насл насаби қўйидагилар. Тўфондан сўнг улардан шу авлодлар етишиб чиқди.” Ёфит (Ёфас) нинг ўғиллари : Гўмер, Маъжуж, Моддий, Ёвон, Тувол ,Машак, ва Тирос.

Гўмернинг ўғиллари : “Ашканоз, Рифат ва Тугарма.....( Таврот ибтидо 10. 16-17 бетлар). Энди номларни изоҳлаймиз . Гўмер- қадимги Қрим аҳолиси, маъжуж- ҳукм сурадиган шимолий давлат, Модай- (Мидия) Эрон нинг шимолий ғарби, Ёвон- Юнонистон, Тўвол- Қора денгиз оралиғида яшовчи Элат, Ашканоз- скифлар ( қора денгиз ваолтой оралиғида яшовчи халқ ) Тирос –Этрусқлар , Тўгарма- кичик осие халқи . Абулғози Боҳодирхоннинг “Шажарой Турк ” асарида шундай дейилади; - Ёфас (Ёфит) отасининг ҳукми билан Жудий тоғидан чиқиб Итил (Волга) ва Ёйик (Урал) ёқасига борди. У ерда икки юз эллик йил турди . Вафотидан сўнг саккиз ўғил қолади. Ўғилларининг исмлари қўйидагича : Турк Хазар, Сақлаб (Славян), Рус , Минг, Чин, Қамари , Тарих. Ёфас айтадики, туркни ўзларинга подшоҳ қилиб унинг сўзидан чиқманг. Туркка Ёфас (Ёфит) ўғли деб лақаб қўйдилар..... (Абулғози Баҳодирхон “Шажараи Турк” Тошкент 1992 й 14-15 бетлар)

Биз айнан Ашканоз яъни скифларга юзланамиз. Тарих отаси Гиродот скиф ва сак бир халқ бўлиб , уларнинг ҳуқумдорлари Тарғитой , Липаксой, Арпаксой деб тилга олади. Бу исмлар туркийларда тегишли. Тарихчи , археолог Заур Гасанов қозоғистон худудида скифсаклар билан боғлиқ археологик тадқиқотлар олиб борди ва шундай хулосага келди. Скифлар манзилгоҳларида зардуштийлик (зороастризм) маданияти билан боғлиқ бирон- бир элемент учрамагани ва у манзилгоҳларда тангричилик, шомонийлик моддий маданияти гувоҳи бўлади. Шунингдек Анатолий Алавенцов, Арнольд Жазебтойнберг ва бошқа тадқиқотчилар скифлар масаласида туркийларга ён босади. Энциклопадист олим Муҳаммад Мусо Алхоразмий ўғузларни искифлар деб

тилга олади. Шарқий Туркистонда сак номи билан боғлиқ, учта географик худуд, “Тўққизсак”, “Учсак”, “Ўғусак” деб аталган жой бор.

Яна бир маълумот жумладан “Нақши Рустам” ва “Беҳистун” (Кирмон шох яқини- Эрон) битикларида Турон (Марказий Осиё) да яшаган Скифлар сак деб кўрсатилган. Шунингдек Эроннинг шимолий шарқида сак халқи тузган давлат сакистон давлати бўлган сакистон халқи скиф саклардан иборат бўлиб унинг туркий тили халқларига мансублиги ҳақида VII аср араб манбалари ҳамда IX асрда араб тарихчиси Гардизий хабар беради. Саклар форслар куршовида қолгани учун ўз тилини унутади. Лекин бахтиёрлар номли туркий тилли халқ ҳозир ҳам мавжуд Сакистон ҳозирги кунда Сейистон номи билан сақланиб қолган.

Тадқиқотчилар скифларнинг антропологик ва генетик жиҳатдан таҳлил қилганда шарқий ва марказий осиега тегишли эканлиги ўз тасдиғини топди. Хулоса қилганда скиф саклар ҳам туркий тилда гаплашган деган хулосани беради. Бундан шундай хулоса чиқадики, шумерлар, скифлар, Нух тўфони билан боғлиқ воқеалар баёни ўртасида қандайдир боғлиқлик ва ўхшашлик бор. Инсоният тарихи кўҳна тилсимларини ўз бағрида яшириб ётибди. Туркий тил дунёда энг қадиги тиллардан бўлиб, ўз ранг баранглигини турли лаҳжаларда бўлсада сақлаб қолди. Агар келажакда шумер тили турки тил эканлиги ёки ҳеч бўлмаганда шумерлар тилига яқинлиги илмий жиҳатдан исботланса, туркий тил тарихни даврлаштириш илк ўрта эмас балки бронза даврига бориб тақалади. Биз бу тарихий даврлаштиришни қўйидагича изоҳлаймиз. Ҳозирги туркий тиллар прототурк милоддан аввалги III-минг йилликдан илк ўрта асрларгача (шумер ва хитой манбалари асосида), қадимги туркий (V-X асрлар), эски туркий (XI-XIV асрлар) билан узвий ва уларнинг давомидир. Эски ўзбек (чиғатой) тили XV-XIX асрларга тўғри келади. Қадимги туркий ёзма обидалар тили ўша даврлардаги туркий қабилалар учун хизмат қилган, ҳамда биринчи ва иккинчи турк ҳоконлигининг давлат тили ҳисобланган. Шунингдек тўққиз ўғуз, ёки (уйғур), туркий халқлари давлатида, қадимги қирғиз ҳоконлигида ўн уйғурлар давлатида ҳамда қорахонийлар давлатининг дастлабки даврларида қадимги туркий тил давлат тили мақоми даражасида қўлланган. Қадимги туркий тилда Култегин, Тунюқук, Ирк, Мўғиланхон, Сўжу каби ёзма обидалар сақланиб қолган. XI-XV асрларда қадимги туркий тил асосида баъзи фонетик ўзгаришлар, айрим грамматик шаклларнинг силлиқланиши, янги лексик қатламлар кенгайиши орқали эски туркий ёки ўрта туркий тил шаклланди.

Эски туркий тил Қорахонийлар Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар Чиғатойхонлари давлатларида туркий халқларининг давлат ва адабий тили доирасида истеъмол этилди. Шунингдек, у кичик осиеда (асосан Эронга) сақланиб қолган Салжўқийлар даври учун ҳам давлат тили мақомида бўлган. Эронда Чингизхон авлоди Хулагухонлар ҳамда темурийларнинг илк ҳуқумдорлик даврида ҳам эски туркий тил умумтуркий тил вазифасини бажарган. Эски туркий тилда “Кутадғу билиг”, “Девони луғатит турк”, “Ҳибатул-хақойик”, “Қиссаи Юсуф”, “Қисаси Рабғўзий”, “Наҳжул-Фародис”, “Хусрав ва Ширин”, “Гулистоний бит туркий”, “Муҳаббатнома”, “Ўғузнома” каби ёзма обидалар сақланиб қолди.

XV аср бошидан янги турк тили даври бошланди. У ғарбий ҳамда шарқий турк тилларига бўлинади. Бу бўлиниш баъзи қабилавий жиҳатдан фонетик, грамматик, лексик хусусиятларда намоён бўлади. Шарқ гуруҳ турк тили қорлуқчилик, ўғуз, кипчок

каби туркий қабила тиллари каби юзага келди. Бу гуруҳ тили ўзбек, қозок, қирғиз, уйғур, туркман, қорақалпоқ халқларининг адабий тили вазифасини бажарди. Фарбий турк тили эса ўғуз қабила уруғлари билан қисман қипчоқ қабила тилининг таъсириҳам мавжуд.

## ХУЛОСА

Ҳозирги миллат сифатида яшаётган туркий халқлар тили энг янги турк тилиноми билан шаклланди. Шарқий турк халқлари бир юз йигирма беш йил давомида сиёсий, иқтисодий маънавий тутқинликка учради. Турк халқлари шимолдан ҳам, шарқдан ҳам чексиз тазйик остида қолди., бу оғир аҳволдан қутулиш йўлларида бири тарихан адабий тили бир бўлган шарқий турк халқларининг бирлашиш заруриятидир. Шунингдек XV-XIX асрдаги туркий адабий тил барча туркий халқларга хос товушлар уйғунлигига, фонетик, грамматик, лексик бирликка асосланган.

Қардош туркий тиллардаги унли ва ундош товушларнинг сифати ҳамда сони XV-XIX аср шарқий турк адабий тилига мальлум даражада мос келади. Шунингдек қозок ҳамда қирғиз тилларида учрайдиган баъзи дифтонгли, (бир бўғинда иккита товушнинг бирга келиши фонетик унсур) ходисалар айрим ўзбек шеваларида учрайди. Туркман тилидаги баъзи бирламчи чўзиқ унлилар эса ўзбек тилининг Хоразим ҳамда шимолий шеваларида учрайди. Қардош туркий тилларда кўрсатилган фонетик хусусиятлардан ташқари, баъзи тил ходисалари эса лаҳжа хусусияти сифатида сақланиб қолган.

Камина туркий тил тарихини имкон қадар ёритишда таниқли академик, тарих фанлари доктори устоз Аҳмадали Асқаровга қардош қозок халқининг фарзанди адиб Ўлжас Сулаймонга миннатдорчилик билдираман. Чунки уларнинг асарлари ушбу мавзунини ёритишда бирламчи манба бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги Ўзбекистоннинг 2017 йилдан кейинги ривожланиш тарихи шакланаётган янги жамиятнинг либераллашган қиёфасини намоён қилмоқда. Мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб, юз берган иккинчи инқилобий тўлқин одамлар онгини тубдан ўзгартириб юборди. Бу сиёсий жараён миллий тарихимизга яна бир бор мурожаат қилишимизга тўғри келди натижада раел тарихимизни тиклаш уни оммага олиб чиқиш ва халқаро миқёсда маънавий кадрини таъминлаш масаласида улкан қадамлар ташланди. Бу маънавий тикланиш бир асрдан ортиқ давомида тутқинликда бўлган шарқий турк тиллари учун улкан тарихий, маънавий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

## REFERENCES

1. Фан ва турмуш. 1995, №8.
2. Фан ва турмуш 1990-йил. Декабр
3. Фан ва турмуш. 1994-й март-апрел
4. Мулоқот. 2005-й, май-июн
5. Турон тарихи. 1993-й май
6. Davlat tili – Vikipediya [https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Davlat\\_tili](https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Davlat_tili)
7. 167-I-сон 21.12.1995. “O‘zbekiston Respublikasining Davlat tili haqida”gi Qonunga o‘zgartishlar va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida <https://lex.uz/docs/-121051>
8. O‘zbekiston Respublikasining davlat tili o‘zbek tilidir – Hudud 24.uz <http://hudud24.uz/ozbekiston-respublikasining-davlat-tili-ozbek-tilidir/>